
КОНСТИТУЦИЯДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА

КОНСТИТУЦИЯДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА

Туман марказий Маданият саройида Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда 30-апрель куни ўтказиладиган умумхалқ Референдуми тарғиботи бўйича мулоқот ўтказилди. Унда тумандаги меҳнат фахрийлари, фаол нурунийлар вакиллари ҳамда маҳалла оқсақоллари иштирок этдилар. Унда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Б.Раҳмоналиев, Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор М.Баратов, халқ депутатлари Олтиариқ туман Кенгаши котибият мудирини Ў.Отабоевлар янги таҳрирдаги конституциянинг аввалгисидан афзал жиҳатлари тўғрисида батафсил маълумотлар беришди. Тадбирда сўзга чиққан нурунийлар томонидан мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг халқчиллиги, фуқаролар манфаатлари ҳар нарсадан устунлиги ҳақида гапиришди.

2023-03-31 08:12:44